



ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда республика Президенти Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 29 июлда бўлиб ўтган йиғилишида ўртага қўйган вазифалар муҳокама қилинди ва тадбирлар белгилаб олинди. Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбасари И.Журабеков сўзга чиқди.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

14 август куни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллод ва Мухтор элчиси жаноб Со Кон Инни унинг илтимосига биноан қабул қилди. Сўхбат чоғида Корея Парламенти делегациясининг республика-мизга ташрифи масалалари юзасидан фикр алмашилди.

БАЙРАМОЛДИ ТАДБИРЛАРИ

Вилоят ҳокимининг қарорига биноан Бухорода Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг тўрт йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон-Ватаним маним» мавзусида шаҳар ва туманлар куни ўтказилмоқда.

Худди шундай байрамолди тадбирлари Наманган вилоятида ҳам бўлиб ўтмоқда. У «Мустақиллик-менинг тақдирида» деб номланган ёш истеъдодлар курик танлови, туркум маърузалар, ҳафталикларни ўз ичига олган.

УЧКУДУҚЛИКЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСIZ

Учкудуқликлар она-Ватанга сифати жиҳатидан халқаро талабга тўла мос келадиган қора мармарни етказиб бердилар. Айни кунларда эса уларнинг қувончига яна бир қувонч қўшилди. Бойси сифатли Учкудуқ мармари ҳақида эшитган хорижлик тадбиркор ва харидорлар ҳамкорлик учун ўз хоҳишларини билдиришмоқда.

УШБУ СОҲДА:

5-бет Қалондир

7-бет Хиёнат кўраси хатарли



Ажабо!

КОИНОТНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

Балтимор шаҳридаги (АҚШ, Мэриленд штати) фалакиёт илмини ўрганувчи институтнинг ёш олимлари Тод Лаур ва Марк Постман узоқ изланишлардан сўнг мунозарали бир фикрни ўртага ташлашди. Яъни улар коинотнинг ёши нечада эканлиги ҳақидаги илмий тахминни айтишмоқда. Бу тахминга кўра, минглаб галактикани ўзида жамлаган коинотнинг ёши 15-20 миллиард қуёш йилига тенг экан.

Ажабланарлиси шундаки, Венду Фридман исмли бошқа бир олим эса бу фикрга қўшилган ҳолда яна бошқа тахминни ҳам илгари сурди. Унинг фикрича, ҳатто шунча ёшга кирган «мўйсафид» коинот ҳам ўз бағридаги баъзи бир юлдузлардан 2 миллиард йилга кичик экан.

Илми нужум аҳлини ҳайратлантирган бу мунозарали тахмин-у изланишларни ўрганиш ҳали давом этмоқда.

АНОНС



... Машҳур қушиқчи Майкл Жексон ҳақидаги миш-мишлар ниҳоят тингандай бўлди. Яқинда унинг рафиқаси Лайза-Ма-

рия Эй-Би-Си телекомпанияси орқали Майклнинг ҳақиқий эркак эканлигини эътироф этди ва ҳатто яқин орада фарзандли бўлишларини таъкидлади. Хуллас томошага ўч оломон учун яна эрмак топилди. Кеча «Жексон эркак эмас» деган одамлар бугун Лайза-Мария Преслига қўшилиб кун санашаяпти.

Бу ҳақдаги батафсил маълумотни кейинги сонлардан бирда ўқийсиз.

Муассисларимиз фаолиятидан

— Тошмурад ака, бўлим фаолиятида қандай ўзгаришлар бор?

— Сурхондарё вилояти катта ҳудудга эга. Баъзи туманлар Термиз шаҳридан қарийб 200 км узоқликда жойлашган. Айтмоқчиманки, ҳудуди кенг бўлган бундай вилоятда жамгармамизнинг туман ва шаҳарлардаги таянч бўлимларини ташкил этмасдан туриб ишларни кенг миқёсда ривожлантириб бўлмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда 10 та шаҳар ва туманларда бўлимимизнинг мустақил иш юритадиган таянч бўлимларини тузиб чиқдик ва жойлардаги банкларда ҳисоб рақамларини очиб бердик. Табиийки, маблағсиз иш юритиш мушкул. Дастлабки пайтларда ишни йўлга қўйиб олиш учун туман, шаҳар ҳокимликлари, таъсисчи ташкилотлар 50-100 минг сўмгача пул беришди. Бундан ташқари «Меҳрибон» номи билан юритиладиган савдо-хариб фирмасини ташкил этаямиз. Фирмадан тушадиган фойданинг 20 фоизи хайрия ишларига сарф қилинади.

— Таянч бўлимларига тайинланган директорларнинг ишни кенг йўлга қўя олишларига қандай қафолат бор?

— Гапнинг тўғриси, энг аввало бўлғуси директорларнинг номзодларини чуқур ўргандим. Чунки ётиб нон ейдиган эа-монлар ўтиб кетди. Биз масаланинг ана шу томонига эътибор бердик. Ишбилармон, бирор жойга борса гапи ерда қол-

да ҳам масаланинг бу нозик томонлари-га катта аҳамият бердик. Энди умидимиз чиппака чиқмас. Тайинланган директорларимиз ишончимизни оқлашади, деган умиддамиз.

— Тошмурад ака, бозор иқтисодиёти

БИЗДАН ҚОПАДИГАН БОЙЛИК...

«Соғлом авлод учун» жамгармасининг Сурхондарё вилояти бўлими директори Тошмурад Қобулов билан суҳбат

майдиган, тадбиркор кишиларни директорликка тайинладик. Масалан, Шеробод туманидаги бўлимимизга бир нечта номзод бор эди. Лекин биз одамлар ва раҳбарлар орасида эътибори баланд бўлган Очил ака Зиёқуловнинг номзодини маъқул қурдик.

Ишончимиз комилки, Шерободдаги ишларимиз худо хоҳласа, яхши бўлади. Худди шундай бошқа туман ва шаҳарлар-

шароити тадбир, ақл ишлатишни, мустақил ҳаракат қилишни тақозо этади. Айтилаётган гапдан мудоао шуки, ҳамиша ҳам бошқалардан мадад кутиб бўлмас экан.

— Дастлабки пайтларда бошқа корхона, ташкилотларнинг чўнтагига ҳам қўз тутиб турдик. Бунинг ўзи билан иш битмас экан. Тўғри, баъзан четдан бепул дори-дармонлар, болаларбоп сутли озуқалар келади. Лекин бу денгиздан томчи-дек гап! Хуллас, бўларнинг ҳаммасини қаттиқ ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Такфиларимизни жамлаб вилоят ҳокимлигига кирдик. Бизни хурсанд қилган нарсаси шу бўлдики, у ерда бизга хайрихоҳлик билан қарашди. Вилоят ҳокимининг шу йил 8 август фармойишига биноан бўлимимизнинг жойлардаги таянч нуқта (бўлим)ларини устасда қўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида дорихона, оналар ва болаларга хизмат қиладиган аралаш моллар дуконлари очиш учун бинолар билан таъминлаш, жамгармани иш бошлаш жараёнида ижтимоий ҳимоялаш учун ун минг сўм пул ҳамда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун сўғориладиган жойлардан икки гектардан ер

майдонлари ажратиш туман ҳокимликларига топширилди. Тасаввур этаямизми, ҳар бир туман ва шаҳардаги таянч бўлимларимизнинг ихтиёрида икки гектардан ер бўлади. Бу майдонларда харидоргир қучатлар етиштирамиз, хуллас ҳазинамизга қисқа муддатда пул келиб тушади. Бу гапни мен нима учун катта ишонч билан айтаяпман? Гап шундаки, Сурхондарёнинг тупроғига таёқ қадасангиз кўкариб чиқади, бу бир, иккинчидан ерга астойдил ишлов берган, умид билан уруғ қадаган одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Мен юқорида тилга олган фармойишга биноан бўлимимиздаги молиявий аҳволни тиклаш мақсадида вилоят заҳира жамгармасидан 150 минг сўм пул ҳам берилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси эса «РАФ-2203» русумли автомашинани бизнинг ихтиёримизга топширди. Хуллас, ишларимизнинг оёқ олиши ёмон эмас.

— Шу кунларда қандай дастурлар асосида иш олиб бораёсизлар? Иш осон кўчаптими?

— Назаримда ҳозир иш осон кўчадиган пайт эмас. Лекин доимий ҳаракатда бўлган одам ишларини олға силжитаётган бўлиши мумкин. Бунга ишонч ҳосил қиляпмиз. «Она ва болани овқатлантиришга доир», «Камқонликка қарши кураш» дастурлари, «Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш хоналари, тўғрисида»ги низоми ва «1995 йилда ёшларнинг таълим даражасини ошириш ва тарбияга доир» дастурини вилоят халқ таълими, бошқармаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамгармаларининг кўмагида ҳаётга тадбиқ этаяпмиз. Албатта, бу дастур, низоми асосидаги ишларнинг самараси бирдангина кўринмайди. Чунки биз авлодлар ва насллар саломатлиги учун курашаётган эканмиз, бу вазифа жиддий меҳнатни, меҳрни, қатъиятнинг талаб этадиган анча қийин ва шу билан бирга савоби катта вазифадир.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ суҳбатлашди

«АМБУЛАНС»ЛАР ТОШКЕНТДА

Илгари хабар қилганимиздек, «Соғлом авлод учун» халқаро жамгармаси тузилган шартномага мувофиқ Германиядан 15 та «Амбуланс» машиналарни олиши керак эди. Яқинда эса ана шу кўчма-тиббий машиналар жамгарма ихтиёрига олиб келиб топширилди.

Жамгарма директори Э. Солиевнинг айтишича, бу машиналарнинг ҳар қайсида беш киши ишларкан. Булар: терапевт, педиатр, акушер, ҳамшира, шофёр. Жамгарма бу борадаги мутахассисларни сентябрь ойидан ўқитиб, мукамал тайёрлай бошлайди.

Айни кунларда жамгарманинг вилоят бўлимлари замонавий кўчма поликлиникаларда ишлайдиган мутахассисларни йиғиш ва шунга жалб этиш билан шуғулланмоқда. Гарчи «Амбуланс»лар фақат жамгармага қарашли бўлиб, жамгарма номидан иш юритса-да, вилоят соғлиқни сақлаш бўлимлари билан доим ҳамкорлик қилади.

ОЧИҚ ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Маълумки, «Оила ва жамият» ҳафталиги қошидаги компьютер техник маркази болалар тайёрлаган 3 та дастур — ўқув, ўйин ва тасвир дастурлари бўйича очик танлов эълон қилганди. Яқинда ана шу танловнинг якуний натижалари эълон қилинди. Танловда тошкентлик Т. Рўзиев ва Б. Аҳмаджоновлар ўқув дастури бўйича пешқадамликни қўлга киритиб, биринчи ўринни олишди. Иккинчи ўринни тасвирий санъат бўйича маҳорат қўрсатган тошкентлик А. Рожин эгаллади. Фахрли учинчи ўринга эса бекободлик Д. Дусмупатованинг тайёрлаган иши лойиқ деб топилди.


Ғолиблар Республика Болалар жамгармасининг совғалари билан тақдирландилар.

ФИРМАЛАР ФАОЛИЯТИ КЕНГАЯДИ

Яқинда Республика Болалар Жамгармасига алоқадор фирмаларнинг ярим йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Болалар Жамгармасининг корхоналар билан ишлаш бўлими бошлиғи Х. Азимов сўз олиб, «Чинор», «Қалдирғоч», «Менора» каби фирмаларнинг ютуқлари, «Ижодкор», «Нафис», «Восток» фирмаларининг камчиликлари тўғрисида ахборот берди.

Йиғилиш сўнгига жамгарма раисаси И. Юсупова жамгарма билан ҳамкорлик қиладиган 12 корхонанинг фаолияти ҳақида қисқача тўхталди. Ва бу корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитида янада кенгайиши, тез орада хорижий фирмалар билан мустақкам ҳамкорлик ўрнатиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Алижон САФАРОВ



Болалар дунёси

БЕҲЗОД БИЛАН СУҲБАТ

- Дадажон, оймомо биздан жуда узоқдами?
- Жудаям.
- Момонинг уйидайми?
- Йў-ўқ, миллион-миллион кучоқ нарёқда.
- Машинада борса бўладими?
- Етгунча Чол бўлиб қолсан, ракетада борилади.
- Ракетага болаларниям чиқаришадими?
- Болалар яхши ўқиса, зеҳни бўлса, катта бўлганда чиқади.
- Қайси ўқишда ўқиш керак-а?
- Космонавтликка.
- Космонавт ойда битта ўзи кўрқмайдими?
- Кўрқоқ одам космонавт бўлолмайди.
- Дада, юлдузлар кўпми?
- Жуда кўп.
- Улар каттами?
- Катта ва кичик. Кейин иссиқ ва совуқ юлдузлар.
- Совуқ юлдузда қотиб қоламанми?
- Ҳа.
- Дадажон, қишлоқда нега юлдузлар кўп?
- Шаҳардаям кўп, лекин кўринмайди.
- Бекиниб олишадими?
- Йўқ. Шаҳарда машиналар, заводлар кўп. Уларнинг тутуни юлдузларни кўрсатмай қўйган.
- Унда машина олманг, дадажон.
- Хўп бўлади.
- Юлдуз бечораларга раҳмим келаяпти. Менга қарагиси, «хўй, Беҳзод» дегиси келаяпти-ю, айтолмайди. Энди кучада қоғоз, барг ёқмайман. Алишер, Отабек, Умиджонгайм айтман, ёқимасин.
- Доно ўғлим, шундай қилгин!

Гулжаҳон МАРДОНОВА тайёрлади

«Турмуш дунёсида эрларнинг гайрати, тиришқоқлиги нақадар керак бўлса, хотинларнинг ҳам ўшандоқ ҳаракат қилишлари керакдур... Бу эса хотинларнинг ўқувларига боғлиқ»...

«ЮЗ БИР ҲАДИС» дан.
Қишлоғимизда Шодия ая деган бир чевар бор эди. Қайсики уйдан қиз узатилаётган бўлса, сарпо-сурўқлардан ортган латта-путталар шу кампирга элтиб бериларди. Ая эса бу қийқимлардан келин-куёвга чиройли курпача, дастурхон тикиб берарди. «Илоё, икковни ҳам қўша қариб, қуралиб юрсин!» дея дуо қиларди у курпачага игна урётиб. Чунки қуроқлаб тикилган курпачаю-дастурхон одатимизга кўра дастлаб чимилдиқ ичига ёзиларди. Шу учун ҳам у келин-куёв учун жуда ардоқли буюм ҳисобланарди...



Р.Альбеков сурати

Шодия ая менга тикиб берган курпачанинг қуроқланган «гуллари»га тикиламан. Ўғлим думалаб катта бўлди унда. Ҳар куни неча бор тўшалиб, неча бор йигилади. Ҳали бирор жойи сўқилмаган... Шу курпачага ҳавасланиб, бир куни уйимдаги ҳамма қийқиларни йигиб чиққанман. Эҳ-ҳе, рўзгор учун қанча нарсаси тикса бўларкан.

Момоларимиз аслида ажойиб чевар, рўзгор тебратишда тежамкор-тадбиркор бўлишган.

Энам эса жуда уддабурро, пишқ-пук-

лаб етамиз. Энди биз аёллар момоларимиздан бекалик санъатини, ҳар нарсанинг қадрига етишдек олижаноб хислатларни ўрганмоғимиз керак. Ҳар дақиқа вақтин, ҳар қадамни ҳисоб-китоб қилиб, ҳар сўмни тежаб-тергаб сарфлайдиганларнинг омади юришдади бу кун... Насибхонни уйлаларман. Бир маромда, осийишта, бекаму-куст ашайди. «Тийини-тийинга уриб яшашнинг, яъни тежамли бўлишнинг ҳосияти катта эканлигини ичдан ҳис этаман, негаки, биз қўшиллар маошга бир ҳафта қолгандан бошлаб бир-биримиздан навбати билан қарз сураймиз. Ҳар

ган нондан фойдаланишга эриниб, уни «нон яшиги»га элтиб ташлаймиз. Бозор-учарни ҳам алоҳида тараддул билан, зийраклик билан қилишни билмаймиз. Нима учраса, шуни оламиз. Хуллас, уйлаб-ўлаб қилинмаган юмушлар бири иккинчисига қўшилиб қўяверарди.

Америкалик уй бекалари ҳатто крандан оқаётган сувни ҳам тежаб ишлатишаркан. Улар учун ноқерак нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар буюмдан икки-уч маротаба фойдаланишди. Болалари расм чизган қоғозниям ташлаб юборишмайди, қайсидир мақсадларда фойдаланишди. Лимон ёки апельсин пўчоғларидан хушбўй чой ёки уларни шакрлаб ширин конфетлар тайёрлашди. Тежамкорликлари тўғрисида яхши ёб-йечилди, яхши қийинишди...

Ҳозир оилада эркак ҳам, аёл ҳам барабар ишлайди, маош олишади.

Лекин рўзгорда барака йўқ. Доимо «у етмайди, бу етмайди» деб доғимизимиз нолиган... Аслида-чи? Борини эплаб қилиш ўрнига янгисини устига янги оламиз, уйимиздаги музлаттич ёгуликка тўлиб турмаса, биз аёлларнинг кўнглимиз ҳам тўлмайди. Сармоани тежаб-тергаб ишлатиб, доимо бир маромда осийишта рўзгор тебратмоққа укувимиз кам биз аёлларнинг. Қаноатни билмаймиз. Агар момоларимизнинг ўйни юриштишдаги уддабурролигини биз ҳам ўрганганимизда эди, балки бу кун бунчалик қийналиб утирмасдик...

Ўзбек аёлининг қадамидан гул унади, бармоқлари учда мўъжиза яшайди. Эндиликда ҳам бу момомерос фазилатни асраб-авайлаб келаятганлар қанча... Бугунги беришдидат бир даврда ҳар бир аёл тадбиркор бўлмоғи, эрининг ёнига кириб унинг оғирини енгил қилмоғи, шу аснода рўзгорга кут-барака олиб қирмоғи зарур. Зеро, болаларни ҳам шунга ўргатиш лозим. Ана шунда юриб туради, топиш-тутишимизга барака беради, энг муҳими хонадонимиз жанжаллардан ҳоли, тинч ва осийишта бўлади... Токи оила осийишталиги ягона мақсадимиз экан, биз ҳам ўз ўрнида тежамли бека бўлайлик.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

ТЕЖАМКОР БЕКА БЎЛИНГ

та аёл эдилар. Овқат учун пиёз тозаласалар пўстини ташлаб юбормасдилар. Қайнатиб, сувда сочларимизни юварди (пиёз пўсти қайнатилган сув сочи қорайтириб, ўстиришни йиллар ўтиб, тушунганман), картошка артсалар, унинг пўчоқлари билан гиламларни тозалардилар. Қотган нон бурдаларидан «нонсолди» деган хушхўр таом пишириб берардилар. Шамолда дарахт тағига учиб тушган бирорта мева ҳам энамнинг назаридан четда қолмасди. Агар бизнинг назаримиз илмаса, у меваларни дарров қўқи қилиб ташлардилар. Қийимларимизнинг йиртилган жойларини «гул» ёки «юлдузча»лар шаклида усталик билан ямаб, берардилар. «Гул»ларига қизиқиб киярдик. Эскирган қийимларни тўплаб, бир-бирига жудаям зарурдир. Ортиқча сарф-харажатнинг кўз илгамас салбий томонлари ҳам бор. Оддийгина мисол. Болаларни боғчадан олиб қайтаётиб, уларга йўл-йўлакай бир неча хил ширинликлар олиб берамиз. Бу яхши. Лекин бу ҳол кунига давом этади базан. Бола шунга ўрганиб қолади. Нимадир бўлиб, бирор кун олиб берилмаса борми... Сезиб-сезмай боланинг тарбиясини издан чиқараётганимизни уйламаймиз. Ёки уйда нон бўлсада устига янгисини олиб келаверамиз. Қот-

маошгача такрорланади бу ҳол... Насибхон эса бундай эмас. У бирор кишидан қарз сураб чиққанини эслолмаймиз, биз қўшиллар... Аслида бизга ўхшаган аёллар жуда-жуда кўп. Ишхонада, куча-қуйдаги суҳбатларда ҳам қўлогимга қалинади. Боласи шакарчой деб жанжал қилса, идиш кутариб қўшнисиникига чиқадиган, ҳатто пули тугаб бир-иккита сабзи-картошкани ҳам қўшнисидан қарзга олиб турадиган уй бекалари бор экан!

Оила бюджетига тушадиган пул аниқ ҳисоб-китобга кўра ишлатилса, у маошга қадар бемалол етиши турган гап. Бир пайтлар қайсидир журналда «уй бекалари ўзларига сарф-харажат дафтари тутишлари лозим» деган жумлани ўқиб қўлгига қистаганди. Эндиликда рўзгорни бир маромда юргизиш учун ана шундай «дафтар» жудаям зарурдир. Ортиқча сарф-харажатнинг кўз илгамас салбий томонлари ҳам бор. Оддийгина мисол. Болаларни боғчадан олиб қайтаётиб, уларга йўл-йўлакай бир неча хил ширинликлар олиб берамиз. Бу яхши. Лекин бу ҳол кунига давом этади базан. Бола шунга ўрганиб қолади. Нимадир бўлиб, бирор кун олиб берилмаса борми... Сезиб-сезмай боланинг тарбиясини издан чиқараётганимизни уйламаймиз. Ёки уйда нон бўлсада устига янгисини олиб келаверамиз. Қот-

• Соғлом ва гўзал бўлай десангиз

17. ВАЖРАСАН


(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Гилам ёки одёлда оёқларингизни тиззаларидан буккан ҳолда ўтиринг. Оёқларингиз думбаларингиз остида бўлмоғи керак ва болдиригизнинг ҳамма қисми полга тегиши лозим. Товонларингизнинг иккаласи бир-бирига теккан ҳолда юқорига қарасин. Орқангиз шундай тўғри турсинки, бел ва буйнингиз тўла вертикал ҳолатни ташкил этсин. Қўлларингиз тиззаларингизда бир-бирига теккан ҳолатда турсин. Кўзларингиз тўғрига қарасин. Меъёрида нафас олинг. Ушбу ҳолат бу асанни мукаммал этади.

Тўйиб овқатланилгандан сўнг ушбу асан шаклида йигирма дақиқача ўтирилса, жуда катта фойда беради.

Фойдалари: Ошқозонда овқатни яхши ҳазм қилолмайдиган одамлар бу асанни овқатлангандан кейин бажаришлари шарт. У

чарчаган оёқларни ўз ҳолига олиб келади. Қон қуйқасининг, йўғон нервлардаги номутаносибликнинг, бел ҳамда тиззалардаги оғриқнинг олдини олади ва даволайди.



• Билмайин босдим тиканни

ХИЁНАТНИНГ КЎЧАСИ ХАТАРЛИ

Холида, мана, сиз йўллаган хатни яна қўлимга олдим. Тўғриси, оилаб-йўлаб яшириб ҳам юрдим. Бутунлай ёдимдан кўтарилишини жуда-жуда истардим. Йиртиб ташлашга эса ожизлик қилдим. Ҳар сафар кўз югуртирганимда сиздан қанчалик нафратланган бўлсам, шунчалик ачиндим ҳам. Ҳали мен ҳаётда «ОИЛА» деган даргоҳнинг бусағасини ҳатлаб ўтмадим, лекин озгина бўлсада баъзи тушунчаларни тасаввуримга сиздир оламан. Билмадим, нимага энди сизга маслаҳатгўйлик қиляпман. Менинг ҳам олдимда ҳаммага баробар ва муқаддас бўлган оиланинг кўп ташвишлари кутяпти-ку...

Холида, гарчи ўзингиз истабсизми, илтимосингизни бажардим. Шундай бўлсада мен афв этасиз. Зеро, хатлиқ ҳаммадан ҳам ўтади. Хатингизни эса қандай ёзган бўлсангиз шундайлигича қолдирдим.

Ассалому алайкум!... Газетангиздаги ҳар бир мақолани ўқиб борар эканман инсон қалбидagi энг нозик бўлган садоқат, севги ҳақида ўйлаб қоламан. Хат ёзишимдан мақсад эса ўз қилишларим, гуноҳларимни нима билан ювишим мумкинлигини сўрамоқчи эдим.

Мен 1988 йили 17 ёшимда онам қистови билан турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим, қайнонам билан тинч-тотув, мароқли яшар эдик. Орадан ойлар ўтиб ўша тотувликдан заррача қолмади. Чунки уйдаги ички сирларнинг базилари менга аён бўлган эди. Қайнонам билан чиқиша олмай онамникига кетдим. Ўша ерда фарзандлик бўлдим. Ўртада бир ярашиб уч ой ўтмасдан яна ўша-ўша жанжал кўтарилди. Чунки эрталаб мен қайнонамга чой қуйиб бермасдим.

Нимагадир олдиларига қиришни ҳам истамасдим. Бониси қайнонам уйда бегона эркакларни қабул қиларди. Шу тўғрисида она-бола ўртасига ҳам совуқчилик тушди. Шундан сўнг биз ижарага уй олиб яшай бошладик (тўғриси, ҳайдаб чиқардилар). Турмушимнинг энг оғир томонларини бошимиздан кечи-

раётган пайтда эрим ҳам ишламасди. Онамнинг берган кўмағи билан рўзгорни зўрга амаллардик. Ниҳоят эру хотин бир-биримизга термулиб кунларни санайдиган дақиқалардан ҳам қўтилиб, онамлар орқали уйлик ҳам бўлдик. Мен ҳам, эрим ҳам ишга, ўғлимиз эса боғчага борадиган бўлди. Энди тетаполяётган пайтимиз иккинчи фарзандимиз тугилди. Бу ёғига (нимагадир ханузгача тушунмайман) эрим ишламай қўйди. Ҳамма нарсаси шундан бошланди. Рўзгор тебратиш оғир, нима қилиш кераклигига бошим қотиб «кўнгил кўчаси»га кириб кетдим. Бир ярим ой шуғулландим. Шу орада нафас ойим сиқадиган касалга йўлиқиб бормаган касалхонам қолмади. Эрим мендан хабар олар, болаларга қарарди. Касалхонада менинг кўзим очилди. Уни-бунни танийдиган бўлдим. Палатадошларимнинг турмуши билан танишиб, мен чеккан азоблар уларнинг бир кунлик азобидай туюлди. Ўзимни-ўзим қаргайман, нима қилиш кераклигини тушунмасам...

Кўнгил кўчасига кирганимни эрим билмайди. Ўзимни аяганим эса фақат иккита қора кўзларим учун. Мен садоқатли аёл бўлишни жуда-жуда истайман. Лекин энди «Бевафо» деган тамга бир умрга мени қийнайверади. Ҳозир оилам тинч, айтинг азизлар, хиёнаткорлигимни қандай оқлай!...

Инсон ҳаёти фақат яхши яшашдан иборат деб ўйлаганлар жуда янглишадилар. Ўзини кўз-кўз қилиб яшайдиганлар бахтли эмаслар, уларнинг ҳам юраги ўқик, дилида губорлари мул. Бир қарашда ўзига тўқ бўлган оилада бахт ҳукмрондек туюлади, бироқ жиддийроқ ўйлаб кўринг, улар қувончининг ҳам чеки бор, армонлари узун. Хиёнат тотувлик манзиллини бир умрга чеклаб қўяди. Мақтуб муаллифи фақат ўзининг гуноҳини қандай ювишни сурабди. Аслини олганда бир оила гуноҳи қандай кечириларми?

Азиз муштарийлар, сиз нима дейсиз? Мен эса ҳеч нарсаси дея олмадим.

ОЛИМ БЕКНАЗАР

Хотининг ақлли бўлса, берди худо...

Акбар Юнусов қандай уйласса шундай гапирди ва қандай гапирса айнан шундай ёзиб қўя қолади. «Дипломатия»ни билмайди.

У «Оила ва жамият» газетасини севиб ўқийди. Анчадан бери унда чиқишни истайди. Шу боисдан биз ёзувчининг ҳажвияларини газета учун тайёрлаш жараёнида ўзи билан икки оғиз гаплашиб олдик.

Мухбир: — Оила, жамият... ва Аёл. Аёл қай бирига кўпроқ тегишли?

А. Юнусов: — Никоҳлаб берилган эрига-да!

Бу ҳазил, албатта. Жиддийроқ қилиб айтадиган бўлсам, оила Аёлнинг уйда бўлишини, жамият эса ундан фаолиятини, ишлашни талаб қилади, Аёлнинг асосий иш жойи оилада — у бола тарбиялайди. Жамият ишида рўзгоридан бироқ четлашади. Биз аёлларни механизаторликка қақирдик, ташкилотчиликка, раҳбарликка даъват этдик. Сен тенгсан, эркакдан кам жойинг йўқ, дедик ва оқибатда уни табият ато этган назокатдан, марҳаматдан бегона қилиб қўйдик, ёлғизлатдик.

Бироқ аёл билан жамиятни бир-бирига зид қўймаслик керак, ҳар икки томоннинг узаро муносабатларидан ҳам оилага, ҳам жамиятга етадиган наф қай даражада — шунини кўзда тутиш маъқул.

Мухбир: — Галингиздан сиз кўпроқ аёлнинг уйда ўтиришига хайрихоҳсиз?

А. Юнусов: — Йўқ, аёл кўча сукурадими, идиш-товоқ ювадими, бундан қатъий назар, биринчи галда у эри талаб қиладиган юмушни адо этиши керак. Ҳатто юксак маданиятга эришган Оврупо мамлакатларида ҳам эрининг топиши яхши бўлса, аёл унинг шофёри ёки котибаси сифатида ишлайверади.

Мухбир: — Бизнесмен аёлларга қандай қарайсиз?

А. Юнусов: — Тошкентда Қўқон дарвозаси ёнида (ҳозирги Ўрда атрофида) энг унумли, баракали Гиштумдоннинг (гишт заводи) эгаси Зебунисо пошшо-хон деган аёл бўлган. Зебунисо шаҳардаги энг бой, тадбиркор бизнесмен киши бўлган. Бу инқилобдан олдинги гаплар. Агар туркий халқлар тарихига мурожаат этсак, намуналар жуда кўп. 1812 йили Наполеонга қарши жангда йигитининг ортидан бориб, жасорат кўрсатган мусулмон қизи офицерлик унвонига сазовор бўлади. Кейинчалик бу аёл гусар ҳақида фильм яратди.

Агар илк ислом даври тарихига қарасак, Пайгамбаримиз замонида бозорнинг саркори аёл киши бўлган. Ғарбга нисбатан олиб қараганда ҳозирги замонда аёллардан чиққан йирик арбоблар Шарқда кўп: Индра Гандини олинг, Покистон бош вазири Беназир Бхутто, Туркия Бош Вазири Тансу Чиллер... Қўриб турибсиз, бизнинг давримизда ҳам шарқ аёллари ичкарисида қолиб кетгани йўқ. Табиатида бор бўлса, ўзи намоён бўлаверади.

Қолаверса, оила ва жамият бир-бирдан маълум тартиб, қонун-қоидаларни талаб қилади. Биз шуни англаб олишимиз керак. Аёлларнинг ҳаммасидан ҳам бир хил нарсани талаб этиб, уларга бир хил мезонда ёндошиб бўлмайди.

Мухбир: — Ишлагани, дейлик, раҳбарлик лавозимига кўтарилгани эрлари руҳсат бермаган аёллар, сизнингча нима қилиши керак?

А. Юнусов: — Қадимдан қолган бир ривоят бор. Азалда эркак билан аёл бигта-яктан қилиб яратилган экан. Шунда

у шунақа доно, тадбиркор, кучли булган эканки, яратганининг ўзи рашк қилиб, охири-оқибатда уларни иккига бўлиб юборган экан. Ушандан бери бири иккинчисини — ўзининг ярмини қидирармиш. Топса тоғди, топмаса оилада жанжал, тўполон...

Яқинда бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлган аёлни эри билан бирга кўрсатишди. Эри унинг бу машғулотига қарши эмас. Демак, оила муштарак жуфтликни хоҳлайди. Агар улар чиндан бир-бирларини топишса бас, ҳар қандай масалада ҳамжиҳатлик қарор топади.

Мухбир: — Мухаббат-чи, муҳаббат...

А. Юнусов: — Табобат илмининг хабар беришича, ошқоқларнинг ҳолати бемор, девона киши ҳолатига тенг экан. Бироқ ана шундай девоналикни орзу қилмаган киши ҳам топилса керак. Ажабки, ошқоқ-машуқлар қурган оила, кўпроқ беқарор бўлиб чиқади.

Мухбир: — Ёзаётган янги китобингиз оила ҳақида, деб эшитдим.

А. Юнусов: — Хабарингиз бўлса, чет мамлакатларда оила, муҳит ҳақида жуда кўп китоб чиқади. Мен Намаанганда ёш оилалар ҳақида ёзилган китоб сўраб юрган кишиларга кўп дуч келдим. Бизнинг ўз урф-одатларимизга, ақидаларимизга мос шундай маълумотнома, қўлланма адабиётларга талаб катта. Шулардан келиб чиқиб бир кичик рисола ёздим. Қўлэзман «Оила ва жамият»га тақдим этмоқчиман, агар лозим топишса газета саҳифаларида кўринса, ҳарқалай, яхши иш буларди.

Ҳақдорлар

БЮРОКРАТНИНГ ЖОНИ

Бу воқеа ошқоралик йиллари юз берган эди.

Осмондан тушган Азроил навбат кутмай бюрократнинг хузурига кирди-да: — Тез бўл, жонингни олиб архивга топширишим керак, — деди.

— Қайси қонунга биноан жонимни оласан? Қўрсатма қани? Буйруқ номери неча? Ҳа, айтгандай, аввал гувоҳномангни кўрсатчи.

Азроил ҳайратдан қотиб, зурга ўзига келди:

— Қоғоз ўлик нарса, лафз — қонун.

— Балки адашгандирлар, алдасишгандир. План кетидан қувиб, бировнинг урнига мени тўғрилаб юбораётган бўлмасинлар.

Азроил тилдан қўлай деди. Ёлгон сузлаш — жиноят-ку! Нега шуни тушунмайди бу маҳкум. Азроилнинг ранги ўчгани сайин бюрократ шошилмай креслога жойлашиб олди.

— Не сабабдан жонимни олмакчисан.

— Сарик касалинг бор, жигаринг шишган. Хуллас, кунинг битган.

— Маълумот нотўғри. Ошириб ёзилган. Марҳамат, справкани ўқи.

Азроил справкани ўқиса, ҳақиқатан ҳам бюрократ соғлом. Бандалар сузга эмас, қоғозга ишонишини Азроил билар эди. Унинг қалбида умрида биринчи марта шубҳа тўғилиб, осмонга ўчди ва тезда қайтиб келди.

— Справканг қалбаки экан.

— Нима, ўзларига ишонмайсанми, — деб бюрократ қўлини шипдаги сарик рангга тўғрилади. Азроил буни ўзича тушунди. — Унта жонинг булса ҳам ҳазиллашма.

Азроилнинг ранги ўчиб, гурзисига сўяниб қолди.

— Эслатиб қўяй: мөн ўн йиллиқни икки йилда бажарган илгорман.

Азроил ажабланди:

— Қанақасига? Йилга беш марта ҳосил олиб, кунига беш марта нонушта қи-

лармидинг?

— Пора маъносиди, уйланишда, план ва мажбуриятда. Келишиб олайлик. Сенга план керак бўлса, ошигини олавер. Ўзим қойиллатиб ташлайман.

Азроил охири чидамади, гурзини жал билан кутарган эди:

— Тўхта, жонимни қачон олишинг керак эди? — деб қолди бюрократ.

— Э, муддати аллақачон ўтиб кетибди.

— Ана, жонимни олсанг, худога арз қиламан. Вақтида келиб, ўз вазифангни бажармай совуққонлик қилганингни ҳамда буйруқларни назарга илмганингни айтиб...

Азроил гурзини зарб билан ерга урди. Тўфон кутарилиб, чақмоқ чақнади ва аста атроф ёришиб қуёш чарақлади. Уртада бюрократ тиржайиб турар, Азроил худонинг қаҳридан қўрқиб, бюрократнинг жонини олмаган эди.

«БАХТЛИ ИНСОН»

Қадим ўтган замонда хонлардан бири савобга юз буриб бир инсонни бахтли қилмоқчи бўлибди. Сарбозлари кўчада тиланчилик қилиб юрган бир кимсани унинг хузурига олиб келишибди.

— Бахтли бўлишинг учун нима керак? — дебди хон.

— Қора нонга қорним тўйса бўлгани.

Унга хоҳлаганича нон беришибди. Қорни тўйган инсоннинг кўнгли тўлмабди.

— Қорним тўлгану, бироқ тўймаган, шу ҳам ҳаётми!..

Ошпазлар тоғли таомлар пишириб беришибди. Инсон эса ҳамон хафа эмиш.

— Қорним тўйгани билан табиатинг талаб қилгани бўлмаса бари бекор.

Деҳқонлар сархил мевалар терган, овчилар тоғ ва қирларда ўлжа кетидан қувган. Карвон Марғиш ва Машриқни кезиб, чой, зирворлар олиб келишган...

Кимсанинг эса барибир юзи ёришмабди.

— Кийимим йўқ, одам курса қувонадиган.

Янги либослар тикиб кийдиришибди. Кимсанинг эса қувонгани сезилмабди.

— Инсонга макон керак, менда эса макон йўқ.

Саройлар қурилибди, тоғларда оромгоҳлар бунёд этилибди. Кимса эса ҳамон хомуш.

— Оиланг бўлмаса, бахтли бўлармидинг?

Чиройли канизакни кимсага никоҳлаб қўйишибди. Оилали, бола-чақали бўлибди.

— Шу ҳам бахтми, ҳеч ким ҳурмат қилмайди.

Шоирлар ва донишмандлар йигилишиб, унинг номидан китоблар битишибди, мактаб қўлларга қўтаришибди.

Кимсанинг эса чеҳраси очилмабди.

— Қанақа бахт, еган таоминг бадҳазм, сарой совуқ, болалар ҳурмат қилмайди, — нолинибди у.

Бу орада ёши ҳам бир жойга бориб қолибди. Хоннинг эса боши қотибди: хазинани сарфлаётган бўлса, улуг инсонлар хизматига бўлса-ю кимсанинг кўнгли очилмасе?

Ҳазабланган хон кимсани саройдан ҳайдаб юборибди. Ҳафта ўтмай семир кетган кимса ҳаммом деворининг тагида бандаликни бажо келтирибди.

Кимсани кўмишибди, қабр тошига: «Ўз меҳнатинг, ақлинг, илминг билан етишган манзил — бахтлидир», деб ёзиб қўйишни амр-этибди хон.

Саҳифани А. ОТАБЎЙ тайёрлади

Сўнгги УСТУН

БЎЙНИ УЗУН ГЎЗАЛЛАР

Бирманинг тоғли туманларида яшовчи Падаунг қабилида аёллар бўйининг узунлиги гўзаллик белгиси ҳисобланади. Шунинг учун қиз бола 7-8 ёшга тўлгач, унинг бўйинига мис ҳалқачалар тақиб қўйишади. Йиллар ўтгани сайин ҳалқачалар сони ҳам ортиб бораверади. Бу эса бўйиннинг узайишига сабаб бўлади. Қиз ба-логат ёшига етганда бўйинининг узунлиги 25-35 сантиметргача боради. Агар ҳалқачалар олиб ташланса борми, бўйин бошнинг оғирлигини кўтаролмай елкага осилиб тушади. Шу сабабли бу қабилада эрига ҳиёнат қилган аёллар бўйнидаги ҳалқасини олиб ташлаш билан жазоланадилар.

«САХОВАТЛИ» ФИРМА

Нью-Йорклик оддий фирмаси Жим Прайсман уйи яқинидан тақдим этувчи 37,1 миллион доллар берилиши кўрсатилган чек солинган конверт топиб олади. Лекин у етти уқлаб тушига ҳам қирмаган бойликка эга бўлганидан ўзини йўқотиб қўймади, балки чекни конвертда кўрсатилган манзилга — «А. Г. Бекер ИНК» фирмасига элтиб берди. Фирмадагилар шунча пулларини қайтариб олаётганларидан шунчалик хурсанд бўлиб кетишдики, дарҳол Прайсманга сўночи сифатида... 250 доллар беришди.

ҒАЙРАТИНГА БАЛЛИ!

Буюк Британиянинг Хернбей шаҳрилик Дени Роувни ҳеч иккиланмай, ўз ишининг устаси дейиш мумкин. У атиги бир соат ичида 1994 кишининг соқолини қиртишлаб қўйишга муваффақ бўлган. Шулардан фақат тўрт кишининггина юзини кесиб олди.

ЭНГ ҚИММАТ ОЛМАЛАР

Тасвирий санъат асарлари ҳар доим ҳам ким ошди савдолари орқали пуллаб келинган.

Яқинда бу соҳада Гиннесснинг рекордлар китобига киргулик рекорд урнатилди. Сезаннанинг бир қарашда унчалик дидга ўтирмайдиган, бор-йўғи бир түп олма ва эркакларнинг даструмоли тасвирланган асари нақ 28 миллион долларга пулланди.

«ДАҲШАТЛИ ЖЕК» АМЕРИКАЛИКМИ?

Яқин-яқингача 1888 йил Лондон атрофидаги Уайтчепел шаҳарчасида беш нафар фоҳишани қонхўрларча ўлдириб, мурдаларни бўлақларга бўлиб кетган номаълум қотил инглиз бўлган деб ҳисоблашарди. Лекин англиялик икки нафар полициячи тарихий манбаларни ўрганиб, «даҳшатли Жек» лақабини олган одам инглиз эмас, Америкадан келган жарроҳ Френсис Тамблти эди, деган хулосага келишди. Уларнинг фикрича, Тамблти Америкага қайтиб кетган, бунақа воқеа Лондонда бошқа содир бўлмаган. Лекин Ямайка ва Никарагуада худди шу усулда ўлдирилган аёллар ҳақида маълумотлар сақланиб қолган.

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси
болалар жамғармаси ва «Соғлом
авлод учун» Халқаро хайрия
жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик
майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Даврон БЕК
навоҳатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0361. 23566 нусхада чоп
этилди. Өфсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.